

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI
ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЛИЙ ТЕХНИК МАКТАБИ**



**"ЕТУК МУТАХАССИС КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА МАЪНАВИЙ ВА
МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИНГ РОЛИ" МАВЗУСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ**

*Илмий-амалий конференция Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 20 январдаги 33-Ф-сонли
Фармойишига асосан ўтказилди*

Тошкент, 2016 йил 30 март

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА КУТУБХОНАЛАРНИНГ ВА КИТОБХОНЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

А.Қиличбоев (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси)

"Ёшларимиз китобхон бўлишлари керак. Чинакам китобхонлик бор ойдагина юксак тараққиётга эришиши мумкин"

Ислом Каримов

Сир эмаски юртимиз аҳолисининг 50 фоизидан ортиғини ёшлар ташкил этади. Хукуматимиз томонидан ёшларнинг билим олишлари, касб ҳунар эгаллашлари учун ҳар томонлама имконият ва қулай шароитлар яратиб берилмоқда.

Мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари замон талаблари асосида реконструкция қилиниб, ўқувчи ёшларнинг инглиз тилини ҳам мукамал ўрганишлари учун имкониятлар яратилмоқда.

Касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари таълим олиш билан биргаликда бирор бир касбнинг эгаси бўлмоқда. Олий таълим муассасаларида икки босқичли бакалаврият ва магистратура жорий қилиниб, талабаларнинг хорижий давлатларда таълим олишлари учун имтиёзлар яратиб берилди.

"Таълим тўғрисида" Қонун, "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" ва шу каби ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган ҳужжатлар юртимиз ёшларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ифодасидир.

Бундан ташқари аҳолининг, қолаверса ёшларнинг маънавиятини янада юксалтириш, чуқур билим олишлари учун Президентимиз томонидан 2006 йилда кутубхоначилик соҳасида туб ислохотлар амалга оширилди. Мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, институт ва университетларнинг кутубхоналари ахборот-ресурс марказларига айлантирилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ахборот-кутубхона марказлари ташкил этилди. Кутубхоналарнинг кифоаси буткул ўзгарди.

Юқорида келтириб ўтилган ёшларга берилаётган имконият ва имтиёزلардан ёшлар қай даражада фойдаланмоқда, қолаверса юртимиздаги ахборот-кутубхона муассасаларининг аҳволи ва китобхонлик даражаси қандай каби саволларга ҳам тўхталиб ўтсак.

Ҳозирги кунда ҳам айрим кишиларда кутубхоналарга босма китоб сақланадиган жой, фойда келтирмайдиган соҳалардан бири сифатида қарайдиганлар топилади. Ёки мен мактаб ва олий таълим муассасаларида ўқиган давримда ҳам кутубхонага кирмасдан ҳам шу даражага етдим деган фикрловчилар топилиб туради. Китоб ўқиб олим бўлармидинг? Ундан кўра бошқа фойдалироқ ишлар билан шуғуллан деб насиҳат қилувчилар йўқ эмас. Бундан ташқари одамлар китоб ўқимай қўйди деган фикрларни ҳам тез тез эшитиб тураемиз. Ҳозир юртимизда китоб ўқиш даражаси қай аҳволда?

Ушбу саволлар ва кўз қарашлар юзасидан кутубхоначилик соҳасида бир неча йиллик тажрибаларим юзасидан фикрлашсам.

Назаримда юқорида келтириб ўтилган фикрларда бироз жон бердек туюлади. Лекин масаланинг бошқа томони инсон бирданига вояга етмаганидек, кутубхоналар бир ёки икки уч йилда дарров фойда келтирадиган соҳа эмас.

Натижаси бир неча йиллардан кейин сезилади. Китобхонлар кутубхоналардаги китоблардан олган билимларини амалиётга татбиқ қилиб жамиятимиз ривожига катта ҳисса қўшади. Ҳеч бир давлатнинг ривожланиши, тараққий топиши аҳолиси сони кўплиги билан ўлчанмайди. Аксинча китоб ўқувчилари сони қанчалик кўп бўлса ўша мамлакатда ривожланиш тараққиёт бўлади. Нафақат ўқиш балки ўқиганда ҳам саралаб, танлаб ўқиш керак. Сабаби инсон умри давомида китобларнинг кўплигидан барча китобларни ўқиш имконияти йўқ.

Мамлакатимиз ёшлари кучли, билимли бўлиш учун кутубхоначилик соҳаси ислоҳ қилиниб, 2011 йилда замон талабларига жавоб берадиган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фойдаланишга топширилди.

Ҳозирги кунда республикада вазирлик идора ва ташкилотлар тасарруфида 12 мингдан ортиқ ахборот-кутубхона муассасалари фаолият кўрсатмоқда.

Қарор қабул қилингандан кейин кутубхоналар ахборот макони, марказига айлантирилиб, фойдаланувчиларга тез ва қисқа фурсатларда маълумотлар етказиб берадиган маънавий марказига айлантирилди. Орадан беш йил ўтиб яъни 2011 йилда "2011 – 2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари базасида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини яна сифатли ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди. Қарорда 2015 йилгача вазирликлар тасарруфида 1800 дан ортиқ электрон кутубхоналар ташкил этиш ва бу электрон кутубхоналарда 400 минг та электрон ресурслар яратиш белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари "Соғлом бола йили" давлат дастурида "Миллий умумтаълим электрон кутубхонаси" лойиҳаси асосида турли билим олишга оид ва ўқув материалларини электрон шаклга ўтказиш маркази, мультимедиа ахборот ресурслари маркази, шунингдек, интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғи ташкил этилиши, Ўзбекистондаги барча ахборот-кутубхона муассасаларининг 2020 йилгача ушбу тармоққа уланиши белгиланди.

Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштирувчи Идоралараро кенгашнинг 2014 йил қарорига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги институт ва университет ахборот-ресурс марказлари Намунавий ҳудудий ахборот-кутубхона муассасаси деб белгиланди. Мақсад Миллий кутубхонада жорий қилинган илғор тажриба ҳамда ахборот-технологияларини Намунавий ахборот-кутубхона муассасаларига татбиқ этиш, вилоятдаги энг яхши, ҳар томонлама намунали замонавий кутубхона даражасига етказиш ҳамда кейинги босқичда ҳудуддаги бошқа кутубхоналарни босқичма-босқич намунали кутубхоналарга айлантиришдан иборатдир.

Юртимиз ёшларининг билим олишлари, касб эгаллашлари учун шароит ва имкониятлар яратиб берилаётган бир вақтда китоб ўқишига бўлган қизиқиши, умуман китобхонлик даражасини янада юксалтириш зарур.

Бунинг учун болаларни китоб ўқишга бўлган қизиқишини оиладан бошлаган маъқул. Уларни бошланғич синфлардан бошлаб эртақ китобларни ўқишга қизиқтириш ва оилада шахсий кутубхоналар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Дастлаб оила аъзоларининг ўзлари фарзандларига китоб ўқиш бўйича ўрнатилган бўлиши лозим. Қуш уясида кўрганини қилади деган мақол бежизга айтилмаган. Ота-оналарнинг ўзлари китоб ўқишда ўрнатилган кўрсатмасдан фарзандига дарсингни қил, китоб ўқи деган топшириқлар билан мақсадга эришиш мушкул. Шахсий кутубхонада "У ким?, бу нима?", "Уй рўзғор энциклопедияси", "Болалар энциклопедияси" ва шу каби энциклопедиялар бўлгани мақсадга мувофиқ.

Мақолам охирида ўқувчиларга китобнинг ҳаёт чироғи эканлигини ва китоб ўқишни қадрлайдиган одамларда содир бўладиган 10 та ўзгариш билан яқунласам. Келтирилган тавсияларга амал қилиб орамизда китобхонлар сони яна биттага кўпайса не ажаб...

- *Ҳаётингиз мураккаблашиб кетганида, ундан чиқиб кетишнинг қулай йўллари адошмай топа оласиз*

Ҳаётингизнинг оғир дамларида, бошингизга ташвиш тушганида пулингиз ва соғлигингизни беҳуда нарсаларга: ичкилик, кийим-кечак, егулик ва шунга ўхшаш нарсаларга сарф қилмай, бирор-бир кутубхонага бориб, ўзингизга ёққан китобни олинг ёки шу китобни интернетдан юклаб олинг. Шунда сиз ўзингиз учун янги бир оламни очасиз.

Бу кундалик ҳаёт ташвишлари ва муаммоларидан чалғишнинг энг фойдали ва арзон усули ҳисобланади.

- *Оилангиз борлигини пайқаб қоласиз*

Сўз ота-онангиз ёки қариндошларингиз ҳақида кетмаяпти. Сиз китобга меҳр кўйиб, янги китобсеварлар оиласига кўшиласиз.

Бу оилага кўшилишингиз билан атрофингизда доим сизни қўллаб-қувватлайдиган ва ҳар қандай вазиятда ёрдам қўлини чўзадиган одамлар пайдо бўлади. Бу китоб ўқувчилар ва китоб севувчилар оиласидир. Сизга эътибор беришларини хоҳласангиз бир сирли услубни қўлланг. Охирги ўқиган китобингиз ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларингизни ёзиб қолдилинг. Шунинг ўзи кифоя қилади.

- *Сиз чексиз мулоқот оламига кирасиз*

Инсон китоб ёрдамида ўтмишдаги авлодлар ҳаётини ўрганиши, унда яшаши мумкин. Ўқиш сизга турли халқлар маданияти ва турли тоифа одамлар ҳаётини сўзлаб беради. Маънавий дунёқарашингиз кенгайди.

Китоб инсонларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишга ёрдам беради. Сиз эса ўзга бир инсоннинг ҳаётига кириб борасиз.

Ўйлаб кўлинг, бошқа бир инсоннинг ўрнида бўлишни истармидингиз? Умуман кўрмаган жойларингизга саёҳат қилишни-чи? Ҳаётда янги тажрибаларга эришишни-чи? Бу сиз ўйлаганчалик қийин иш эмас. Шунчаки китоб ўқиш керак, холос.

- *Чиройли сўзлашни ўрганиб оласиз*

Ўқиш инсоннинг сўз бойлигини оширадиган, уни тўғри талаффуз қилдирадиган ва ёздиррадиган энг оддий услуб ҳисобланади. Кўпроқ ўқинг. Дўстларингиз интернет сайтларида хато билан ёзишганида, уларнинг бу ишидан таажжубланидиган бўласиз. Аммо бировнинг хатосини излайдиган, унинг устидан куладиган ғаламисга айланманг.

- *Кутиш залларида ёки навбатларда вақтингизни мазмунли ўтказасиз*

Ҳаётингизда улкан ўзгариш бўлишига тайёр тулинг. Навбатда турганингизда ёки кутиш залларида у ердан бу ерга юриб, соатингизга қараб ёки бирор бир ҳамсухбат излаб сиқилманг, асабийлашманг. Шунчаки китоб ўқинг.

Айнан мана шундай вазиятларда китобингиз доим ёнингизда бўлсин. Уни қўлингизга олинг ва ўқинг. Шунда сизни кутиш залида ўтказган вақтингиз ёқимли ва фойдали бўлади.

- *Қизиқарли шахсга айланасиз*

Сизда дунёқарашингизни ўзгартириш нияти бўлмаса ҳам ён-атрофдагилар сизни ўзгарганлигингизни дарров пайқайди. Сиз қизиқарли ва яхши суҳбатдошга айланасиз. Китоб бизларга ҳиссиётларни, бошқа инсонларнинг дунёқарашини ўргатади.

Оқибатда биз ҳис-туйғуларни яхши ҳис қиладиган ва бошқаларнинг дардига ҳамдард бўладиган инсонга айланамиз. Ҳаётингизда зулм кўрмаган, кўпол муомалага дуч келмаган, камбағаллик нима эканини билмаслигингиз ёки жавобсиз муҳаббат нима эканини тасаввур ҳам қилмаслигингиз мумкин. Бундай нарсаларни ҳис қилмаслигингиз учун кимнингдир устидан кулишингиз ҳам мумкин. Китоб эса шу нарсаларни ҳис қилишни, ён атрофга ўзгача назар билан қарашни ва бўлаётган воқеаларни қизиқиш билан кузатишга ўргатади.

Сиз дунёга, одамларга ўзгача назар билан қарашни бошлайсиз.

- Кўплаб янги нарсалар ҳақида билиб оласиз

Қайси жанрдаги китобларни ўқишингиздан қатъи назар жуда кўп нарсаларни билиб оласиз. Бу тарих, психология, маданият, руҳият, уруш оқибатлари, инсонларнинг бир-бири билан муносабатлари ва ҳаётингизда зарур бўладиган турли маълумотлар бўлиши мумкин.

Кўп нарса билишни хоҳлайсизми? Фалсафа, психология, оммавий-илмий адабиёт ва биографияларни ўқинг. Бизнинг замонамизда ҳар қандай турга муносиб китобни топиш мушкул эмас. Агар сиз излаган китобингизни топа олмасангиз, бу ўша мавзуда ўзингиз ёзишингиз учун ажойиб имконият бўлади.

- Ўйлаганингизданда камроқ бўлганингизни тушуниб етасиз

Ўйлаб кўринг, китоб ўқишни бошлашингиздан олдин ўзингизни ҳамма нарсага ақлим етади, деб ўйлагансиз. Китоб ўқишни бошлаганингиздан сўнг эса ҳамма нарса ўзгарди. Ўқиган биринчи китобингиздан сўнг, ҳеч нарса ўзгармаслиги мумкин. Аммо ҳар бир китоб, вазиятга бошқа нуқтадан қарашга ўргатади.

Қанча кўп китоб ўқисангиз, дунёқарашингиз шунча ўзгариб бораверади. Қаршингизда янги эшиклар очилаверади. Миянгизда янги фикрлар, ғоялар, маълумотлар пайдо бўлаверади. Сиз ўзга инсонларнинг ҳис-туйғуларини худди ўзингизникидек ҳис қила бошлайсиз.

- Сизда ижодий фикрлар пайдо бўла бошлайди

Миянгизни янги илмлар билан бойита бошлаганингиздан сўнг, ажойиб бир ҳолат содир бўла бошлайди. Фантазиянгиз уйғонади.

Ижод бу аслида инсонлар ҳайратланган илҳомнинг амалдаги кўринишидир. Ҳаётда бундай инсонлар кўплаб топилади. Бу инсонлар шеърятни илм билан, эътиқодни тарих билан аралаштиришдан кўрқинмайди.

Ўқишни бошлаганингиздан сўнг, кўчирмаларга ҳеч қандай эҳтиёжингиз қолмайди. Сиз ўзингиз тўплаган билим манбаларингиздан фойдалана бошлайсиз. Шунда сизда турли фантазиялар пайдо бўлади. Сиз эса уларни турли ҳолатларга солиб, янги бир ғояларни ўйлаб топа бошлайсиз.

- Тасаввурингиз янада тиниқлашади

Сиз ўқиётган китоб, бу кимнингдир фантазияси. Унинг ичида юрар экансиз ўз фантазиянгиз пайдо бўлади ва кенгайиб боради. Сиз ўз фантазиянгизга қулоқ тута бошлайсиз. Шу йўл билан миянгиздаги тасаввур оламини янада тиниқлаштиради.

Ўзингизни бошқача ҳис эта бошлайсиз. Аслида эса, ўзингизни дунёдаги энг нормал инсон эканлигингизни тушуниб етасиз. Билимингизни турли маълумотлар билан тўлдириб боринг. Китоб ўқиш эртами кечми, барибир, онгизда турли рангларда жиловлана бошлайди.

Синаб кўрасизми? Унда кўлингизга китоб олинг. Бу иш, албатта, амалга ошади.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

**Ў.Т.Музафаров, Б.Т.Ибрагимов, Р.С.Реимбаев, И.Ж.Юлдашев,
Д.Ф.Ҳошимова, Б.В.Вахобов, Б.А.Мавлянқариев, Б.Ж.Жаҳонқулов,
У.Қ.Боллиева, М.Р.Досчанов, Я.И.Гулямов.**

Илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент: ЎзР ИИБ ЁХОТМ.2016. - 137 б.

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

**Музафаров Ў.Т, Ибрагимов Б.Т, Реимбаев Р.С, Юлдашев И.Ж, Хашимова
Д.Ф, Вахобов Б.В, Мавлянқариев Б.А, Жаҳонқулов Б.Ж, Боллиева У.Қ, Досчанов
М.Р, Гулямов Я.И.**

Материалы научно-практической конференции. – Ташкент: Высшая
техническая школа пожарной безопасности МВД Республики Узбекистан. 2016. - 137
с.